

Date: 5th June-2025

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИНИНГ ЭКОЛОГИК
МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Шерзод Исроилович Мавлонов

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори
Тошкент, Ўзбекистон

Rockfeller2504@gmail.com

Ҳикматулло Шохназар ўғли Очилов

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма нозири
Тошкент, Ўзбекистон

ochilovhikmatullo7@gmail.com

**ПЕРСПЕКТИВЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ
НАСЕЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

Шерзод Исроилович Мавлонов

Прокурор управления Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Rockfeller2504@gmail.com

Хикматулло Шохназарович Очилов

Инспектор управления Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

ochilovhikmatullo7@gmail.com

**PROSPECTS FOR ENHANCING THE ENVIRONMENTAL AWARENESS OF
THE POPULATION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Sherzod Mavlonov

Prosecutor of the Department of the General Prosecutor's Office of the Republic of
Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan

Rockfeller2504@gmail.com

Hikmatullo Ochilov

Inspector of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ochilovhikmatullo7@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш масаласи муҳокама қилинган. Экологик маданият тушунчасининг мазмуни, унинг аҳамияти, амалга оширилаётган давлат сиёсати ва ислохотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича истиқболли таклифлар илгари сурилган.



Date: 5th June-2025



Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы повышения уровня экологической культуры населения в Республике Узбекистан. Проанализированы понятие экологической культуры, её значение, проводимая государственная политика и реформы в этой сфере. Также предложены перспективные меры по устранению существующих проблем.

Abstract: This article examines the prospects for enhancing the ecological culture of the population in the Republic of Uzbekistan. It analyzes the concept and significance of ecological culture, current state policies, and implemented reforms. The article also proposes practical and forward-looking solutions to existing challenges.

Калит сўзлар: экологик маданият, экологик онг, экологик таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш.

Ключевые слова: экологическая культура, экологическое сознание, экологическое образование, охрана окружающей среды, устойчивое развитие.

Keywords: ecological culture, environmental awareness, environmental education, environmental protection, sustainable development.

Ҳозирги замонда экологик муаммолар нафақат табиатга, балки инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига ҳам бевосита таъсир қилмоқда. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан аҳолининг экологик саводхонлиги ва маданиятини ошириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, жамиятда ва ҳар бир фуқаронинг ҳаёт фаолиятида экологик таълим-тарбия ҳамда маданиятни узлуксиз юксалтириб бориш барқарор экологик ривожланишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда юртимизда глобал ривожланиш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ экологик муаммоларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишда фуқаролар иштирокини таъминлаш, экологик ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасиз курашиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда барқарор ривожланиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадларида 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси қабул қилинди.

Шу муносабат билан стратегияда белгиланган мақсадларга эришишга мўлжалланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш дастури амалга оширилмоқда.

Экологик маданият — бу инсоннинг табиатга бўлган муносабати, экологик билимлар, кўникмалар ва онгли хулқ-атвор йиғиндисидир. Ушбу маданият даражаси жамиятда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бўлган ёндашувларни белгилаб беради.

Экологик маданиятли фуқаро:

табиатга эҳтиёткорлик билан ёндашади;

чиқиндиларни тўғри тўплаш ва қайта ишлашни билиб, амалга оширади;

Date: 5th June-2025

экологик хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшади;

ўзи ва атрофдагиларда экологик онгни шакллантиради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик таълимни ривожлантириш соҳасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди:

"Яшил макон" лойиҳаси доирасида миллионлаб дарахтлар экиляпти;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси фаолияти кучайтирилди;

мактаб ва олий таълим муассасаларида экологик таълимга эътибор кучайтирилди;

ОАВ орқали экологик тарғибот ишлари фаоллаштирилди;

Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳуқуқий база мустаҳкамланди.

Экологик маданиятни юксалтириш — бу фақатгина экологлар ёки давлат органларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва ташаббуслар шубҳасиз экологик маданиятни юксалтиришга хизмат қилади. Бу эса мамлакатнинг барқарор ривожланиши, аҳолининг соғлом ҳаёт кечириши ва келажак авлодлар учун соф табиатни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади.

Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимизнинг барча жабҳаларида айниқса, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда туб бурилишлар ясади. Жамият ҳаётини тубдан янгилаш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди, мамлакатимизда янги ижтимоий-сиёсий муҳит юзага келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 15 май куни қабул қилинган «2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор эса мамлакатимизнинг экологик келажаги учун жуда муҳим, тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясининг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлодда экологик билим, онг ва маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, аҳолининг барча қатламларида экологик маданиятни, шу жумладан, «яшил» истеъмол маданиятини янада юксалтиришдан иборат.

Ҳужжатга кўра, қуйидагилар аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган ҳар кимнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминловчи, аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш ва юксалтириш чора-тадбирларини назарда тутувчи ҳуқуқий асосларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш;

2) мактабгача таълимдан бошлаб аҳоли барча қатламларининг экологик маданиятини шакллантириш ва юксалтириш тизимини такомиллаштириш, ушбу жараёнда иштирок этувчи таълим ташкилотларининг вазифаларини аниқ белгилаш;



Date: 5th June-2025



3) экологик маданиятни шакллантириш ва юксалтириш бўйича чоратadbирларни кучайтириш, хусусан, тарғибот усуллари кенгайтириш, ушбу жараёнда рақамли технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланиш, тарғибот олиб боришда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг самарали ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

4) экология йўналишида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, соҳада илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш;

5) юксак экологик маданиятга эришиш, фуқароларнинг экология соҳасидаги ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати таъсирчанлигини ошириш, уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2025 йилдан бошлаб ҳар йили аҳолининг турли қатламлари, талабалар ва ўқувчи-ёшлар ўртасида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида «Янги дарахт — янги нафас» республика экочемпионати ҳамда ҳар ойда бир маротаба «Маҳаллани чиқиндидан холи ҳудудга айлантирамыз» шиори остида акциялар, ташвиқот тадбирларини амалга ошириб борилиши белгилаб берилди.

Шунга қарамай, фуқароларда табиатга ҳурмат ҳиссини шакллантириш, аҳолининг экологик онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда фуқароларнинг экологик саводхонлик даражасини ошириш борасида бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган ва экологик маданиятни юксалтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳар кимнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи таъминланиши;

Жамиятда, оилада, маҳаллада, таълим муассасаларида, давлат органларида экологик маданиятни юксалтиришнинг узлуксиз механизмини такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд, экология ўқувининг мажбурийлигига оид талабларнинг ижросини етарли даражада таъминлаш;

Жамиятда экологик тарғибот тадбирларининг манзиллилиги, уларни ташкил этишда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмаган, тарғиботнинг инновацион усулларида етарлича фойдаланилмаётганлигини айтишимиз мумкин.

Бизнингча, юқорида келтирилган муаммолар ечими сифатида,

- Мактабларда болаларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳимлигини тушунтириш учун махсус дарслар ташкил этиш. Уларга чиқинди ташлашни тақиқлаш, сув ва электр энергиясини тежаш каби одатларни ўзлаштиришга ўргатиш.

Date: 5th June-2025

- Жамоат жойларида акциялар ташкил этиш: Масалан, “Тоза шаҳар” куни ёки “Қўлларимизни табиатга бағишлаймиз” каби акциялар ўтказиш.
- Теле ва радио каналлар, ижтимоий тармоқларда экологик видеороликлар тарқатиш. Масалан, "Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг афзалликлари" ёки "Ҳар биримиз табиатни сақлашга ҳисса қўшишимиз керак" мавзусида.
- Ҳар бир маҳаллада чиқиндиларни алоҳида турларга ажратиб йиғиш учун махсус кутиларни жойлаштириш (пластик, қоғоз, органик чиқиндилар учун).
- Тошкен шаҳри ва йирик шаҳарларда жамоат транспортини ривожлантириш, автобус ва троллейбуслар учун махсус йўналишлар ташкил этиш.
- Ҳар бир хонадонда сув тежаш учун махсус насостар ўрнатиш, сув оқиб кетишини олдини олиш. Масалан, шаҳарларда сув таъминоти тизимини модернизация қилиш.
- Уйларда энергия тежаш учун LED лампалар ўрнатиш, қуёш панеллари орқали электр энергиясини ишлаб чиқариш.
- Қуёш ва шамол энергиясини кенгроқ қўллаш учун давлат томонидан субсидиялар бериш. Масалан, фермерлар учун қуёш панеллари ўрнатишни молиялаштириш.
- Маҳалла ва маҳаллий жамоаларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назорат гуруҳлари ташкил этиш.
- Аҳоли атроф-муҳитга зарар етказувчи ҳолатларни тез ва осон хабар беришлари учун махсус мобил иловалар ёки веб-сайтлар яратиш. Масалан, "Тоза табиат" иловаси орқали.
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда давлат ва фуқаролар ўртасида мунтазам мулоқот ва учрашувлар ташкил этиш.
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳисса қўшган фуқаролар, ташкилотлар ва маҳаллаларни совринлар, сертификатлар ва молиявий рағбатлантириш.
- Экологик меъёрларга риоя қилган корхоналарга махсус сертификатлар бериш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 декабрдаги «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 январдаги «Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги «Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги «Аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.



Date: 5th June-2025

5. Rasulov A., Karimova N. «Ecological Culture and Environmental Education in Uzbekistan». – Central Asian Journal of Environmental Science, Vol. 4, No. 1, 2022.



International Conferences
Open Access | Scientific Online | Conference Proceedings

